



## Савол:

Бугун тонгда бир дўстим билан бир масала хакида бахслашиб колдим. От гўшти халолми? харомми? Дўстим Судандан уни айтиши бўйича от гўшти харом.

Мен эса Ўзбекистонданман мени айтишим бўйича халол. Мени бундай дейишимга сабаб биздаги хеч бир дин уламолари, домлалар, нада менга талим берган устозим харом дейишмаган. Хатто мен дарс олган устозимни хам от гўшти истеъмол килганларини кўрганман.

Агар от гўштини харом дейилса кандай сабаб билан харом дейилган. Хадис ёйинки оятларда бу хакида нима дейилган.

Агар от гўштини халол десак кандай сабаб билан халол килинган.

Агар харом бўлса нима сабабдан биздаги на бир имом на бир олим на бир устоз бу хакда маълумот беришмаган?

Мени эшитишимга караганда отнинг хукми шундай, курони каримда шундай бир оят бор: «Сизларга чорва хайвонларининг гўшти халолдир» ана шу оятга мувофик холда отни чорва молларига мансуб ва уни гўшти хам бошкалари каби халол дейишади. Ва чорва молларини куйидагича санашади: аввалда Кўй, мол (сигир-хўкиз), эчки ва от шунга кўра от гўшти хам халол дейишади. Ана шу хукм тўғрими?

## Жавоб:

Хурматли биродаримиз, аслида сиз хатода экансиз, бизнингча сиз



## Ислом Нури

отнинг гўштидаги хукми одамлардан олгансиз домлаларнинг масалаларидан эмас. Хамма ейдику, хатто олимлар ҳам деб ўйлайсиз. Ханафий мазхабнинг фикх китобларидан бўлмиш “Тухфатул мулук” да от гўшти харом дейилган. “Лубоб” деган китобда эса муаллиф Абу Ханифа роҳимахуллохга нисбат бериб у киши от гўштини ейиш макрух деганлар деб накл килган. Аммо имом Косонийнинг “Бадоиус-саноиъ” китобида Абу Юсуф билан Мухаммад устозлари Абу Ханифага хилоф ўларок от гўшти халол деганлар, бу хукми Шофеъий ҳам айтганлар. Демак, аслида Ўзбекистонликларнинг “мазхаби” да от гўшти харом енгилрок килиб айтилса макрух экан! Ошнангиз ҳам ўзининг мазхабини яхши билмаслиги мумкин. Шунинг учун биродар сизга маслахатимиз диний масалаларда агар хужжатингиз бўлмаса умуман тортишманг. Бир нарсани халол ёки харом дейишдан сакланинг, чунки бундан Аллох кайтарган. Нахл сурасида **«Сизлар Аллох шаънига ёлгон тўкиш учун тилларингизга келган ёлгонни гапириб: “Бу халол, бу харом” деяверманглар! Чунки Аллох шаънига ёлгон тўкийдиган кимсалар ҳеч нажот топмаслар. (Ундай кимсалар учун ҳаёти дунёда) озгина фойда бўлур. (Охиратда эса) улар учун аламли азоб бордир»**. дейилади (Нахл: 116)

Сиз айтиб ўтган оятнинг тўғри маъноси будир: **«Эй мўъминлар, битимларга вафо килингиз! Сизлар учун — (куйидаги оятларда харомлиги) тиловат килинадиган нарсалардан бошқа чорва ҳайвонлари халол килинди.»** (Моида: 1)

**Оллоҳ сизлар учун чорва ҳайвонларини (токи) сизлар ўша (ҳайвон)лардан (айримларини) минишларингиз учун (пайдо) қилди. Ўша (ҳайвон)лардан ейсизлар ҳам.** (Гофир: 79)  
Бу оятлар туя, мол, кўй ва эчкилар хақида.



## Ислом Нури

От гўштини макрух ёки харом дейдиганлар мана бу оятни далил килганлар: **«У зот яна сизлар учун иссик кийим ва (турли) манфаатлар бўлсин, деб чорва молларини хам яратддики, сизларнинг таом-озукаларингиз улардан бўлур. .... У зот яна сизларга минишингиз учун ва зийнат килиб, отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди)».** (Нахл: 5-8) Улар от-эшакларни ейиш учун эмас миниш учун яратилган, шунинг учун хам аввалгиларидан ажратиб, **«минишингиз учун ва зийнат килиб»** деб айтилган дейдилар. Бу оятда от гўшти харом бўлган хачир ва эшак билан зикр килинган. Бу эса от хам улар каби харомлигига далолат килмайди. Уларнинг халол ёки харомлиги сахиҳ хадисларда баён килинган.

Ахлиссунна валжамонинг эътикодида сахиҳ суннат куръонга шарх ва баён бўлади. Юкоридаги оятдан бир карашда, от миниш учунгина яратилганлиги тушунилиши мумкин. Аммо мана бу икки сахиҳ хадис от гўштини еса хам бўлишини баён килади: Асмо розияллоху анхо дейдилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам даврларида от сўйдик ва едик» Имом Бухорий ривояти.

Жобир ибн Абдуллох хабар килишича «набий саллаллоху алайхи ва саллам Хайбар куни (жанги)да (хонаки) эшаклар гўшtidан кайтардилар ва от гўштига рухсат бердилар». Имом Бухорий ривояти.

От гўштининг нимага халолу нимага харомлигини баён килиш учун бундан ортик тўхталишни лозим топмадик. Мазкур икки хадисга кўра от гўшти халол.